| | |
|---|---|
| **«ТАСДИҚЛАНГАН»**<br>"Qashqadaryodonmahsulotlari"<br>aksiyadorlik jamiyati<br>Кузатув кенгаши йиғилишида<br>13 октябр 2015 йил **3**-сон<br>_______________ Т.Утаев<br>(сана) М.Ў. | **«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»**<br>Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси бошлиғи в.б<br>_______________ **С.Тошев.**<br>«29» 10 2015 й. D0074-8 сон<br>(сана) М.Ў. |

## ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

**"Qashqadaryodonmahsulotlari" aksiyadorlik jamiyati**
(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

| **Идентификация рақами берилди:** | R | U | 1 | 0 | 8 | D | 0 | 0 | 7 | 9 | T | 8 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Ҳар бирининг номинал қиймати 643,9 сўм бўлган, жами 867489123,8 сумлик 1347242 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз акциялар.**
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

**очиқ обуна**
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **Саккизинчи** чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: **Кузатув кенгашининг 13.10. 2015 й № 3- сонли йиғилишида**
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

**Кузатув кенгашининг 13 октябр 2015 йил № 3-сонли қарори асосида**
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган органи кўрсатилади)

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: **Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Карши шахри И Муминов кўчаси 68-уй, индекс: 180006. Телефон: (факс 0375) 221-02-50, 221-00-46.**

| | | |
|---|---|---|
| **Эмитентнинг рахбари:** | _______________ | **Каримов Хамдам Каримович** |
| **Бош бухгалтер:** | _______________ | **Махмудов Мухиддин Турсоатович** |

М.ў.

сана "13" 10 2015 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **643,90 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **1 347 242 дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **867489123,80 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

*Акциядорлар:*

- *жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;*
- *депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;*
- *жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;*
- *жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;*
- *акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;*
- *жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;*
- *олган дивидендини эркин тасарруф этиш;*
- *қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;*
- *ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;*
- *ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;*
- *қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга*

*Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият мазкур уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.*

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги хар қандай чеклашлар:

*Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас.*

*Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ қўшимча чиқариладиган акцияларни сотиб олишда жамият акциядорларининг имтиёзли хуқуқи амалга оширилмайди.*

*Қўшимча чиқариладиган акциялар очиқ обуна усулида стратегик чет-эл инвесторларига ташкиллаштирилган оммавий савдо майдони орқали бозор қийматида жойлаштирилади.*

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **1065545037 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

***Аввал хар бирининг номинал қиймати 643,9 сўм бўлган жами 1654830 дона шундан 1654570 дона эгаси ёзилган оддий ва 260 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар жойлаштирилган.***

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

***Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.***

11. Ушбу чиқарилишдаги жамият томонидан номинал қиймати **643.9** сўмдан бўлган умумий қиймати **867489123.8** сўмлик **1347242** дона қўшимча оддий акциялар чиқарилсин ва ушбу чиқариладиган қўшимча акцияларни жойлаштириш шартлари ва тартиби қуйидагича белгилансин:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

***Қўшимча чиқариладиган акциялар очиқ обуна усулида жойлаштирилади.***

*(Епиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).*

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: ***Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.***

**Бунда:**

Жойлаштиришни бошлаш санаси - ***қўшимча акцияларни жойлаштириш ушбу чиқарилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан бошлаб 15-кунидан бошланади.***

Жойлаштиришни тугатиш санаси – ***ушбу чиқарилишдаги охирги акция жойлашган кун, лекин ушбу кун қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 365 кундан ошмаслиги лозим.***

*(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби. Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади).*

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

***- Қўшимча чиқарилган акциялар уюшган қимматли қоғозлар бозорида белгиланган тартибда битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.***

***- Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб этилмайди.***

*(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.*

*Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:*

*тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;*

*ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби).*

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган

ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

***Акцияларни сақлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.***

***Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.***

***Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмат кўрсатувчи депозитарийлар томонидан амалга оширилади.***

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: ***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси***

Ташкилий ҳуқуқий шакли: ***Давлат унитар корхонаси***

Жойлашган ери ва почта манзили: ***100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10уй.***

Алоқа телефони: ***(0371) 236-14-34.***

***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли қарорига асосан юритади.***

**Хизмат кўрсатувчи депозитарийлар тўғрисида маълумотлар:**

**1.** Тўлиқ номи: ***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси***

Ташкилий ҳуқуқий шакли: ***Давлат унитар корхонаси***

Жойлашган ери ва почта манзили: ***100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10уй.***

Алоқа телефони: ***(0371) 236-14-34.***

***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли қарорига асосан юритади.***

**2.** Тўлиқ номи: **“Qashqadaryo Vaqt”** ***масъулияти чекланган жамияти***

Ташкилий ҳуқуқий шакли: ***Масъулияти чекланган жамият***

Жойлашган ери ва почта манзили: ***180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-уй.***

Алоқа телефони: ***(0371) 221-18-22.***

**“Qashqadaryo Vaqt”** ***масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 23.11.2012 йилда берилган 806-сонли амал қилиш муддати чекланмаган лицензия асосида юритади.***

**3.** Тўлиқ номи: **“Fayz - reestr”** ***масъулияти чекланган жамияти***

Ташкилий ҳуқуқий шакли***: масъулияти чекланган жамияти***

Жойлашган ери ва почта манзили***: 180100, Қарши шаҳри, 4-м/т, 4-уй.***

Алоқа телефони***: (0375) 223-14-43.***

**“Fayz - reestr”** ***масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан***

***18.03.2011 йилда берилган 958-сонли амал қилиш муддати чекланмаган лицензия асосида юритади.***

**4.** Тўлиқ номи: **“Mulk-sarmoya brokerlik uyi”** ***акциядорлик жамияти***
Ташкилий ҳуқуқий шакли ***акциядорлик жамияти***
Жойлашган ери ва почта манзили:***100000, Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй.***
Алоқа телефони***: (0371) 232-10-45.***

**“Mulk-sarmoya brokerlik uyi”** ***акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 11.07.2014 йилда берилган 107-сонли амал қилиш муддати чекланмаган лицензия асосида юритади.***

**5.** Тўлиқ номи: **“Universal Depozit”** ***масъулияти чекланган жамияти***
Ташкилий ҳуқуқий шакли: ***масъулияти чекланган жамияти***
Жойлашган ери ва почта манзили:***100000, Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй.***
Алоқа телефони: (***0371) 232-08-08.***

**“Universal Depozit”** ***масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан 09.11.2004 йилда берилган 956-сонли амал қилиш муддати чекланмаган лицензия асосида юритади.***

***Акцияларни сақлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ҳисоб регистрларида амалга оширилади.***

***Депозитарийлар ўз депонентларининг ҳисобварақларида уларнинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги вакиллик ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олади.***

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

***Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган.***

*(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:*

*бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;*

*жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби).*

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

***- Акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.***

***-Акцияларнинг қимматли қоғозлар бозорига (савдога) чиқариш нархи қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин эмитентнинг ваколатли бошқарув органи томонидан белгиланади. Агар уюшган қимматли қоғозлар бозорига сотувга қўйилган акциялар савдога қўйилган кундан бошлаб бир ой ичида белгиланган нархда сотилмаган тақдирда, акцияларни сотиб олишга берилган энг юқори буюртма (таклиф) баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда сотилади.***

*(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.*

*Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади).*

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

- **Акциялар учун тўловлар пул маблағлари воситасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозлар бозори ҳамда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида амалга оширилади.**

*(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).*

*Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш - топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

*баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;*

*баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).*

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши:

***Ушбу акциялар чиқарилишининг 30 фоизидан кам қисми жойлашган тақдирда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилади.***

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

***Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.***

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

*Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ мухим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:*

*- жамиятнинг www.qashqadaryodon.uz манзилли корпоратив веб-сайтида;*

*- фонд биржасининг www.uzse.uz манзилли расмий веб-сайтида:*

*Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхалари билан барча манфаатдор шахслар жамият жойлашган манзилда (Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Карши шаҳри И.Муминов кўчаси 68-уй) иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.*

*Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг нусхаларини манфаатдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.*

13. Бошқа маълумотлар. ***Бошқа маълумотлар мавжуд эмас.***